ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ ОЛТИ ЙИЛЛИГИГА

# ДАВЛАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ КЎЗГУСИ

Яқин кунларда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 6 йиллигини нишонлаймиз. 1992 йил 8 декабрь халқимиз тарихида мангу қоладиган, келажак авлодлар фахр билан эслаб юрадиган муқаддас кундир. Ота-боболаримизнинг асрий армонлари ушалиб, истиқлолга эришгач, миллий давлатимизнинг асосий қонуни, мустақиллигимизнинг ҳуқуқий пойдеври бўлган Конституциямиз қабул қилинган буюк санадир.

Ўтган 6 йил Конституциямизнинг ҳаётий, амалий, назарий жиҳатдан танқидий синов даври бўлди. Бу давр ичида узоқ-яқиндаги дўстларимиз ҳам, навқирон давлатимиз келажагига, тараққиётига ёвуз кўз билан қарайдиган ғанимларимиз ҳам Конституциямизни мамлакатимиз босиб ўтган мустақиллик йилларига қиёсан неча бор синчиклаб ўрганиш, таҳлил этиш имконига эга бўлдилар. Лекин шуни мамнуният билан таъкидлаш жоизки, уларнинг бирортаси ҳам асосий қонунимиз ҳақида эътиборга молик танқидий фикр айта олмадилар. Бу давр ичида Конституциямиз ўзининг нақадар ҳаётийлигини, назарий жиҳатдан ҳам, амалий томондан ҳам пухта ишланганлигини исботлади. Бунинг асосий сабаби — унинг нормативларида ўзбек халқининг қадимий анъаналари, миллий қадриятлари, урф-одатлари, давлатчилик тажрибасига, минталитетига суянган ҳолда умумбашарий демократик тамойиллар ҳисобга олинганлигидир.

Ўша йилларда мамлакатимиз билан бир вақтда мустақиллигини қўлга киритган янги ёш давлатлар ҳам бирин-кетин ўз конституцияларини қабул қилган эдилар. Лекин уларнинг кўпчилигининг конституциялари ҳаёт синовларидан зарбасиз ўта олмади. Ўтган қисқа давр ичида баъзи МДҲ давлатларининг конституцияларига жуда катта ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Россия, Украина, Қозоғистон каби давлатларда конституцияларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги фикрлар ҳатто ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда. Бунга сабаб, бизнинг фикримизча, конституция қабул қилаётганда асосий мақсад кўпроқ бу мамлакатларда ўша вақтда мавжуд бўлган сиёсий буҳронлардан тезроқ қутулишга, мураккаб ижтимоий-сиёсий муносабатларни тартибга солишга, мавжуд муаммоларни ҳал қилишга ҳамда ҳокимиятни қўлга киритган кучларнинг ўша даврдаги манфаатларини мустаҳкамлашга қаратилганлигидир. Шунингдек, буни баъзи бир МДҲ давлатлари ўз халқининг миллий хусусиятларини ҳисобга олмасдан, кўп ҳолларда хорижий мамлакатларнинг конституцияларидан нусха кўчирганлигида, деб биламиз.

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси бошқа янги мустақил давлатлар конституцияларидан фарқ қилиб, ўтиш давригагина мўлжалланмасдан, балки мамлакатимиз асосий қонуни ўлароқ давлат ва жамият ривожланишининг кейинги йўналишини ҳам белгилаб берувчи дастурий ҳужжат сифатида намоён бўлади.

Таъкидлаш лозимки, бизнинг Конституциямиз Бош қонун сифатида жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий муносабатларнигина тартибга солиб қолмай, балки давлат ва жамият ривожланишида вужудга келадиган келгуси муносабатларнинг ҳуқуқий асосини белгилаб беради. Мисол учун, кўппартиявийлик, демократик институтлар, хусусий мулкчилик, бозор муносабатлари ва бошқаларни келтириш мумкин. Шунинг учун ҳам Конституциямизга тез-тез қўшимча ва ўзгартишлар киритиш заруряти бўлмайди. Конституция ва унинг нормалари қанчалик барқарор бўлса, унга нисбатан эътибор, ҳурмат шунчалик юқори бўлади.

Конституциямизда халқимизнинг нафақат бугунги хоҳиш-иродаси, балки одил жамият қуриш тўғрисидаги асрий орзу-армонлари ҳам мустаҳкамлангандир. Биз ўз Конституциямиздан ғурурланишимиз керак. Чунки унинг нормаларида инсон ҳуқуқига ва давлат суверенитети ғояларига нисбатан ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулият эътироф этилди, республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришлари кўзда тутилди. Демократия ва ижтимоий адолатга садоқат ўз аксини топди. Инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқароларнинг тинчлиги ҳамда миллий тотувлигини таъминлаш олий мақсад қилиб қўйилди. Шу туфайли у инсон фаровонлигига қаратилган Конституциядир. Лекин шуни таъкидлаш зарурки, ҳозирги кунда Конституциямиз — асосий қонунимизни ўрганиш, унинг мазмун-моҳиятини тушуниш ва тушунтириш масалаларида маълум камчиликларга йўл қўйилаётир. Президентимиз демократик ҳуқуқий жамият қуриш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги, маданиятини юксалтиришга қаратилган катта вазифаларни қўймоқда. Бизнингча, бу вазифаларни амалга оширишнинг энг асосий шартларидан бири Конституцияда белгиланган меъёрлар, унинг ҳар бир қисми, боби, моддасига оғишмай амал қилишимиз, Конституция асосида яшамоғимиз лозимдир. Лекин бу борада ҳали қилинадиган ишлар жуда кўп. Барча фуқароларимиз Конституциянинг ҳар бир моддаси ғояси, моҳиятини тушуниб етган, деб айта олмаймиз.

Биз Конституциямиз тўғрисида кўп гапирамиз. Лекин аксарият ҳолларда уни умумий тарзда баён қилишдан нарига ўтмаймиз. Ваҳоланки, биз, ҳуқуқшунослар олдида назарий ишларни олиб бориш билан бир қаторда уни ҳаётга жорий қилишдек масъулиятли вазифа турибди. Конституциямизнинг ҳар бир моддаси амалда қўлланилган тақдирдагина демократик ҳуқуқий жамиятда яшаяпмиз, деб айтиш мумкин. Сиёсатшунос, файласуф, жамиятшунос ва бошқа мутахассислар фақат Конституция куни арафасидагина Конституция ҳақида умумий тавсифдаги мақолалар эълон қилиш билан кифояланмоқдалар. Байрам ўтгач, бундай чиқишлар ҳам тўхтаб қолмоқда. Бу мақолалардан Конституциямизни тарғиб қилишда фойда бўлмайди, демоқчи эмасмиз, лекин уларнинг умумийлиги, юзакилиги, баъзи ҳолларда эса Конституция нормаларининг нотўғри талқин қилиниши мутахассисларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда. Масалан, «Инсон ва қонун» газетасининг 1998 йил 24 ноябрь сонида «Мустақиллигимизнинг ҳуқуқий пойдевори» номли мақола чоп этилди. Мақола муаллифи юқорида айтилганидек, умумий фикрлар билан бир қаторда назарий ва амалий жиҳатдан ҳам нотўғри бўлган хулосаларга келади. Унинг ёзишича, «... сўнгги 70 йилдан ортиқ вақт мобайнида Ўзбекистон тарихида тўрт маротаба Конституция қабул қилинган. Гарчанд 1992 йилнинг 8 декабрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси саноқ бўйича тўртинчи бўлса-да, у ўзининг мақсад, мазмун ва моҳиятига кўра, республикамизнинг биринчи Конституцияси ҳисобланади». Наҳотки, шўролар даврида Ўзбекистон деб аталган мустақил давлат бўлмаганлигини ҳуқуқшунос мутахассис тушунмаса?! Ўша даврда қабул қилинган конституциялар иттифоқ конституциясининг нусхаси эканлигини, уларда ҳам фақатгина иттифоқ манфаатларини ифода этувчи меъёрлар мустаҳкамлаб қўйилганлигини англаб етмаса?! Фақат мустақил давлатгина ўзининг асосий қонуни бўлган Конституциясига эга бўлиши оддий ҳақиқатдир. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Конституциясини «оддий саноқ бўйича тўртинчи...», деб аталиши нафақат ҳуқуқий жиҳатдан, балки сиёсий жиҳатдан ҳам хатодир. Юқоридаги мақолада шунга ўхшаш бошқа хато ва ноаниқликлар мавжуд.

Бундай йўсиндаги мақолалар Конституциямизни тарғиб этишда, моҳиятини шарҳлашда аҳамият касб этмайди. Биз тарғиботда юзакилик, умумийликдан қочишимиз зарур. Бундай мақолаларда ўша шўролар даврида социалистик конституцияларга бағишланган мақолаларда бўлгани сингари ҳайбаракаллачилик руҳи кўриниб турибди.

Умуман, шўролар даври конституцияларининг асл моҳияти тўғрисида гап кетганда, шуни айтиш лозимки, уларда мустаҳкамланган нормалар ўзининг сохталиги билан ажралиб туради. Яъни мустамлака даврида қилиниши мумкин бўлмаган қоидалар асосий қонунда мустаҳкамланган ва у фақат қоғоздагина мавжуд эди. Масалан, суверен социалистик давлатларнинг барчаси ташқи сиёсат борасида хорижий мамлакатлар билан давлатлараро муносабатларга киришиши мумкин эди. 1977 йил 7 ноябрда қабул қилинган СССР конституциясининг 9-боб, 80-моддасига кўра, «Иттифоқдош республика чет давлатлар билан алоқа боғлашга, улар билан шартномалар тузишга ҳамда дипломатия ва консуллик вакиллари айирбошлашга, халқаро ташкилотлар фаолиятида иштирок этишга ҳақли» эди. Бу 1978 йил 19 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон ССР Конституциясининг 13-боб, 122-модда, 5-бандида ҳам ўз ифодасини топган. Лекин улар фақат қоғозда эди.



Амалда ҳеч қайси республикада бундай ҳуқуқдан фойдаланишнинг иложи йўқ эди.

Ёки яна бир мисол. Ўзининг асл моҳиятига кўра, атеистик-худосиз бўлган шўролар конституциясининг 52-моддаси, Ўзбекистон ССР конституциясининг 50-моддасида виждон эркинлиги мустаҳкамлаб қўйилган эди. Бу моддалар иттифоқ конституциясида «СССР гражданлари» деб аталган сўзлар Ўзбекистон ССР конституциясида «Ўзбекистон ССР гражданлари» деб алмаштирилган сўзлар билангина тафовут қиларди. Бундан бошқа ҳеч қандай ўзгаришлар йўқ. Бу нормаларда гражданларнинг виждон эркинлиги, яъни ҳар қандай динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслиги, диний маросимларни бажариш ҳуқуқи «гарантияланган» эди. Лекин ҳатто Ўзбекистонда ўз ота-онаси, яқинларининг дафн маросимида иштирок этганликлари учун ўз лавозимларидан ҳайдалганликлари, муборак Ҳайит байрамларида масжидлар олдида махсус қўйилган милиция ходимларининг эрталабки намозга рухсат бермагани, умра, ҳаж сафарларига изн берилмаганлиги у даврдаги виждон эркинлиги тўғрисидаги конституцион меъёрларнинг қанчалик сохта бўлганлигини кўрсатади. Буларнинг акси ўлароқ мустақил Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституциясида фуқароларнинг виждон эркинлиги тўғрисидаги меъёрлар фақатгина мустаҳкамлаб қўйилмасдан, балки амалга ошириш учун шарт-шароитлар давлатимиз, биринчи навбатда республикамиз Президенти томонидан яратиб берилмоқда. Мисол тариқасида Президентимиз тарафидан муборак диний байрам кунларининг дам олиш куни, деб эълон қилинганлиги, мамлакатимиз мусулмонларига давлатимиз умра ва ҳаж зиёратларида ёрдам кўрсатаётганлигини айтиш мумкин. Ёки ҳозирги кунда ҳам давлат диндан ажратилган ҳолда, қадимий диний обидалар: Бухородаги Масжиди калон, Самарқанддаги Бухорий мажмуаси ёки Амир Темурнинг Жомеъ масжиди каби меъморий ёдгорликлар қайта таъмирланаётганлиги, мамлакатимизда ўтган ислом уламоларининг муборак тарихи тикланаётганлиги ва бу ишларда Президентимизнинг шахсан ташаббуси фикримизнинг далилидир.

Юқоридаги мисолларда шўролар давридаги конституциялар билан Ўзбекистон Республикаси биринчи Конституциясининг асл моҳияти ўртасидаги тафовутлар яққол кўринади.

Конституциянинг Конституция эканлиги унда акс этган нормалар билангина белгиланмайди, балки уни амалга оширишга шарт-шароит яратиб бериш, Конституциянинг амалда қўлланиши билан белгиланади.

Биз кўп ҳолларда эътиборимизни Конституциянинг юридик норма сифатидаги хусусиятларига қаратамиз. Лекин шуни унутмаслигимиз лозимки, унинг юридик хусусиятлари билан бир қаторда улкан маънавий-тарбиявий хусусиятлари борки, уларни алоҳида илмий таҳлил қилиш лозимдир. Ҳозирги кунда республикамиз Конституцияси баъзи жиҳатларига кўра, миллий давлатчилигимизнинг ҳуқуқий асоси чегарасидан чиқиб, халқаро аҳамиятга эга бўлган ҳужжатга айланди, деб айта оламиз. Кўпчилик олимлар Конституция ва умуман, қонунлар миллий хусусиятга эга бўлиб, фақат қабул қилган давлат ҳудудидагина кучга эга бўлади, деб айтишади. Қонунлар уларни қабул қилган давлат ҳудудидагина мавжуд бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Шунинг учун унинг халқаро аҳамияти ҳақида гапириш ўринсиз, деган фикр мавжуд. Уларнинг бу фикрларича, Конституциянинг норматив юридик хусусияти нуқтаи назаридан қарасак, фикрларида жон борга ўхшайди. Аммо Конституциянинг функцияси нуқтаи назаридан талқин қилсак, бу умуман ўринсиздир. Чунки Конституциянинг юридик функциясидан ташқари сиёсий, ғоявий-тарбиявий томони ҳам борки, улар ҳар қандай давлат чегараларидан ўтиб, одамлар онгига таъсир кўрсатиш имкониятга эга. Фикримизнинг далили сифатида Конституция функциялари тўғрисида бироз тўхталиб ўтайлик.

Конституциянинг юридик функцияси унинг асосий қонун сифатида олий юридик кучга эга эканлигидадир. У мамлакатдаги барча ҳуқуқий тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар тизими асосини ташкил этувчи биринчи ҳуқуқий манба ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, агар тармоқ ёки кундалик қонунлар маълум бир ижтимоий муносабатларнинг ўзинигина тартибга солса, мисол учун, жиноят ва жазо бўйича ижтимоий муносабатлар жиноят қонунчилиги билан, фуқароларнинг мулкий муносабатлари фуқаролик қонунлари билан ва ҳоказо, тартибга солинадиган бўлса, Конституция буларнинг барчаси асосларини қамраб олади. Яъни мамлакат, жамият ҳаётидаги ижтимоий муносабатларнинг барчаси Конституциямиз орқали тартибга солинади. Жорий қонунлар Конституция нормалари билан бир-бирига зид келганда, улар ўз кучини йўқотади.

Конституциянинг иккинчи функцияси унинг сиёсий функциясидир. Конституция давлат тузилиши, уни алоҳида шахс ва ёки гуруҳ фуқаролар ўртасидаги муносабатини аниқлайди. Барча сиёсий ишлар, партиялар ва бошқа ташкилотлар Конституцияда белгиланган қоидалар асосида ўзаро муносабатда бўладилар. Конституцияда фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлари, шунингдек, давлат ва шахснинг ўзаро муносабатлари мустаҳкамлаб қўйилган.

Кўп ҳолларда бу қоидалар реал ҳаётда жорий қилингандан сўнг Конституцияда мустаҳкамланади. Аммо баъзи ҳолларда аввал Конституцияда қонунлар ўрнатилиб, кейин ҳаётга татбиқ этилади. Мисол учун, мамлакатимизда конституцион ислоҳот асосида сайлов тизимининг ўзгартирилганлигини кўрсатиш мумкин.

Конституциянинг учинчи функцияси унинг ғоявий-тарбиявий функциясидир. Конституция энг олий қадриятларни қонун сифатида жамиятда мустаҳкамлади. Чунончи, инсон ҳуқуқлари, мулкчилик, демократия ва бошқаларга эътибор бериб, фуқароларни бу қадриятларга риоя қилишга чорлайди. Агар сен учун бу қадриятлар қимматли, ҳам зарур бўлса, Асосий қонунда мустаҳкамланган меъёрларга риоя қилишинг лозим. Агар сен бир томондан қонунни ҳурмат қилсанг, унда ифодаланган умуминсоний қадриятларни ҳам қил, деган тушунчани беради. Кимда-ким иккаласини ҳам ҳурмат қилмаса, Конституцияни бузса, унга нисбатан жазо чоралари қўлланилади.

Конституциянинг ғоявий-тарбиявий функциясига унинг халқаро даражадаги аҳамияти ҳам тегишли, деб айта оламиз. Конституция давлатнинг ҳуқуқий кўзгусидир. Унда мустаҳкамланган нормалар, тамойилларнинг қай даражада ижросига қараб, халқаро ҳамжамият ёш давлат ва унинг келажаги ҳақида хулоса чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг халқаро аҳамияти тўғрисида гапирганда, шуни ғурур билан айтиш мумкинки, ҳозирда МДҲ давлатларининг кўпчилиги ўз Конституцияларини қабул қилаётганларида ҳам унга қўшимча ва ўзгартиришлар киритаётганларида бизнинг Конституциямиздан андозалар олишяпти. Масалан, Конституциямиз лойиҳаси муҳокама қилинаётганда МДҲдаги баъзи бир мутахассислар ва «сиёсий арбоблар» давлат бошқарувининг парламентар республика шаклини кўпроқ демократияга мос келади, деб биздаги бошқарувнинг президентлик республикаси турини танқид қилишган эди. Кейинчалик эса уларнинг қарийб барчаси бошқарувнинг президентлик республикаси шаклига ўтишди. Яна бир мисол, давлат тузилишининг унитар шаклида бўлган давлатлар ҳам ўз парламентларининг сунъий равишда икки палатали тизимини ташкил этишган эди. Кейинчалик улар ҳам парламентнинг бир палаталик тизимига ўтишди. Ҳозирги кунга келиб нафақат МДҲ давлатлари, балки собиқ социалистик системадаги Европа мамлакатлари ва бошқа ривожланаётган мамлакатлар ҳам Ўзбекистон Республикаси, унинг Конституциясидан ўз давлатчилиги қурилишида фойдаланмоқдалар.

Биз ўз Конституциямиз билан ғурурланишимиз зарур. Лекин бунинг учун, аввало, унинг ҳар бир моддаси, боби, бўлимининг моҳиятини чуқур англаб етмоғимиз керак. Конституциямизга мустақил давлатчилигимизнинг тимсоли, керак бўлса, рамзи сифатида қарамоғимиз керак. Яқиндагина Америка Ташқи сиёсий тадқиқотлар институти президенти, профессор Майкл Сзаз билан суҳбатда мамлакат Конституцияси тўғрисида гап борар экан, у АҚШ фуқаролари учун конституция ҳам давлат байроғи, мадҳияси сингари АҚШ давлатчилиги рамзи сифатида чуқур ҳурмат қилинишини, ҳар бир уйда давлат байроғи билан бирга мамлакат конституцияси ҳам эъзозлаб сақланишини айтганди. Бу эса ёшларни гўдаклигидан бошлаб Конституцияга ҳурмат юзасидан тарбиялаш, натижада уларни ўз Ватани, халқига садоқатли, фидойи бўлиб етишишида муҳим омиллардан бири бўлишини алоҳида таъкидлади. Ваҳоланки, назарий, илмий нуқтаи назардан олиб қаралганда, АҚШ Конституцияси 1787 йилда қабул қилинганлиги сабабли, кўп ҳолларда ҳозирги кун талабларига тўла жавоб бера олмайди. Чунки икки юз йил ичида мамлакатнинг ички ва ташқи ҳаётида иқтисод, сиёсат, илм-фан, давлат ва жамиятнинг ҳамма жабҳаларида, одамларнинг яшаш шароитида, онги, дунёқарашида шундай катта ўзгаришлар бўлдики, уларни бир қарашда икки аср аввал қабул қилинган қонун билан тартибга солиб бўлмайдигандек туюлади. АҚШ фуқаролари учун Конституция — бу оддий қонун бўлмасдан, балки мустақил давлатчилик рамзидир. Шунинг учун ҳам уни қадрлайдилар, ҳурмат қиладилар, ундан ғурурланадилар ва энг асосийси, унга итоат этадилар.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, мамлакатимиз Конституцияси ўзининг мазмун-мундарижасида халқимизнинг асрий орзу-умидларини, бугунги тараққиётини ифодалаганлиги, келажакка қаратилганлиги, кучли ҳуқуқий ва ижтимоий хусусиятга эга эканлигига кўра, ҳозирги вақтда жаҳондаги энг мукаммал конституциялардан қолишмайди. Баъзи жиҳатлари билан эса улардан устун туради, деб айта оламиз. Бизнинг эндиги вазифамиз ўз Конституциямиз билан фахрланиш билан биргаликда уни бутун моҳияти билан тўла тушуниб олиш ва ҳар бир моддасига итоат қилишимиз керак.

Биз ҳам АҚШ фуқаролари сингари Конституциямизни Ўзбекистон мустақиллигининг рамзи сифатида ҳурмат қилишни ўрганишимиз зарур. Ўз даврида соҳибқирон Амир Темур тузуклари ўзбек давлатчилигини мустаҳкамлашда қандай муҳим ўрин тутган бўлса, комил ишонч билан айтишимиз мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституцияси ҳам ўзбек давлатчилигининг бугун ва келажакдаги тараққиётида шундай аҳамиятга эга бўлади. У келгуси авлодларимиз учун, буюк келажак қуриш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Асосий қонунимиз ҳаёт тарзимизнинг ҳар бир жабҳасига қанчалик чуқур кириб борса, мамлакатимиз сиёсатининг бош мақсади бўлган халқимиз фаровонлигини ошириш йўлидаги ишлар шунчалик аниқ воқеликка айлана боради.

**Озод АББОСХЎЖАЕВ,**
**ҳуқуқшунос.**



